

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро молиявий институт стратегик шериклики янада ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини илгари суриш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатларини кўриб чиқди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Анна Бьерде ва Жаҳон банки жамоасини сермахсул ҳамкорликнинг 30 йиллиги билан самимий табриклади. Кейинги йилларда шериклик юқори суръатда ривожланиб, тобора натижадор бўлиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу даврда қўшма лойиҳалар портфели қарийб 4 баробар кенгайиб, 8 миллиард доллардан ошди.

Биргина ўтган йилда тегишли "йўл харитаси"га мувофиқ Жаҳон банки кишлоқ хўжалиги, энергетика, экология, молия ва бошқа йўналишлар бўйича 1 миллиард долларлик 6 та устувор лойиҳанинг молиялаштирилишини маъқуллади.

Банкнинг фаол кўмаги билан бугунги кунда Ўзбекистонда аграр, энергетика ва транспорт тармоқларида комплекс янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон банки томонидан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига ҳамоҳанг бўлган 2026 йилга қадар Мамлакат дастури қабул қилинди.

Вице-президент Анна Бьерде юртимиздаги ислохотларнинг муваффақиятини юқори баҳолаб, банкнинг кенг қўламли шериклики янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини тасдиқлади.

Банк кишлоқ жойларда турмуш даражасини юксалтириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, кишлоқ хўжалигини трансформация қилиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлашни модернизациялаш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш каби муҳим йўналишлардаги янгиланишларни жадаллаштириш мақсадида экспертлик ва молиявий кўмакни янада кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва устувор тараққиётини таъминлашга қаратилган стратегик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклики муҳим йўналишларда кенгайтириш бўйича янгиланган "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДҚОРЛАРИ

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйлаб 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 300 миллионга яқин ёш доимий иш жойига эга эмас ёки умуман, ишсиз. Уларнинг 20 фоизга яқини тадбиркорлик фаолиятини бошлаш қобилиятига эга. Аммо турли сабаблар туфайли фақат 5 фоизгача ўз бизнесини очиб учун биринчи қадамни ташлай олади.

## ИЛГАРИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР БИЗНЕС БОШЛАШГА ҚЎРҚАДИ...

Мамлакатимизда бизнес юришнинг ҳуқуқий жиҳатлари пухта ишлаб чиқилган. Кичик ва ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга катта эътибор қаратилмоқда.

Зотан, мамлакатимизда ёшлар аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шунинг учун уларни қўллаб-қувватлаш энг устувор вазифалардандир. Ўтган йили

давлатимиз раҳбарининг ишбилармонлар билан илк марта очик мулоқоти ўтказилиб, 20 август санаси юртимизда Тадбиркорлар куни деб белгилангани ёшлар ҳаётида ҳам ўзига хос из қолдирди.

Соҳага қаратилган эътибор ва илчил ислохотлар ёшлар орасида тадбиркорлик тобора кенгайиб бораётгани, имкониятлар кўлами янада ортаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Давоми 2-бетда

### 1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

## ХАЛҚНИНГ ОБРЎСИНИ КЎТАРГАН ЗОТЛАР



Муаллимнинг меҳнатини игна билан қудуқ қазишга қиёслашди. Бу бежиз эмас. Нигоҳи ҳайратга тўла, мактабга бир оз ҳаяжон, бир оз ҳадиксираб қадам қўйган болакайнинг кўнглига йўл топиб, уни билим олишга қизиқтиришдан ҳаётда, жамиятда ўз ўрнига, мустақил фикри ва дунёқарашига эга шахс этиб камолга етказишга бўлган йўл нақадар оғир ва машаққатли эканини соҳага дахлдор инсонлар жуда яхши билади. Яқин ўтмишимиздаги айрим мураккабликларга қарамай, қасбини шараф билан адо этиб келаятган ўқитувчилар бугун Янги Ўзбекистонда чинакам эъзоз топиб, халқ меҳрини қозонмоқда.

Анъанага кўра, бу йил ҳам 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз фармонида биноан фидойи педагоглардан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Биз мазкур мукофотларга лойиқ қўрилган устозларнинг фикрлари билан қизиқдик, уларнинг дил изҳорларини ёзиб олдик.

Давоми 3-бетда

### МУЛОҲАЗА

## СУВДА ХОТИРА БОР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Тараққиёт стратегияси доирасида 2026 йилгача амалга ошириладиган бешта вазифанинг бири аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи эканини алоҳида таъкидлаб, бу масала бундан буён доимо диққат марказида бўлиши, соҳага жалб қилинаётган инвестиция ҳажми кескин кўпайишини маълум қилди.

Сувда хотира бор, дейишди. "Сувга туپурма, исроф қилма", деган гаплар бежиз айтилмаган. Хотира бор экан, бу бебаҳо неъмат олдидан юзимизнинг шувутлиги аниқ. Негаки, сувга нисбатан ўта ёмон, яшириб бўлмайдиган даражадаги муносабатимиз ўзимизга ҳам аён. Азим дарё деганлари қўшиқда "оқадио кетади", ҳаётда эса сув хотирани ўзи билан бирга олиб кетади.

Индалло гап шуки, чанқоғимизни қондирадиган, танамизга қўшиб

қалбимиз ва руҳиятимизни поклайдиган, ризқ-насибамизнинг хамиртурмуши, ҳаёт учун кислороддан кейинги энг зарур модда бўлган бу ноёб гавҳарни қадрламаймиз, аксинча, исроф қиламиз, булғаймиз. Уйи, ҳовлисини сувда ювиб тозалаган ақлли-хушли одам чиқиндини ҳовли саҳнига ёки девор оша қўшинисининг боғига сочиб юрмайди, ювиндини уйи ичига тўкмайди. Аммо реал ҳаётда бунинг аксини кўриш мумкин: исрофни авжига чиқариб

Давоми 5-бетда

### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## ИШГА СОЛИНАЁТГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҲАМ БҮЙ КЎРСАТМОҚДА

Юртимизда туризм нисбатан янги бўлишига қарамай, ривожланган соҳалар қаторида пешқадамлардан. Қабул қилинаётган қарорлар, келишувлар, ўтказилаётган нуфузли тадбирлар, соҳага доир ўрнатилаётган ҳамкорлик алоқалари ушбу йўналишни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Туризм соҳасига қаратилаётган эътибор Тошкент вилоятида ҳам буй кўрсатмоқда. Зеро, вилоят қулай географик жойлашуви, сўлим табиати, пуриқор тоғлари, маданий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари билан алоҳида ажралиб туради.



Давоми 2-бетда

ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИШГА СОЛИНАЁТГАН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Тошкент вилоятининг туристик салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда

Жамшид БОБОЖОНОВ, Тошкент вилояти ҳоқими ўринбосари, вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи

2022 йил 11 август куни тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "AMIRSOY MOUNTAIN RESTORANT" дам олиш масканида илк бор "WELCOME TO BUSTANLIK" Халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Беларусь давлатлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, вилоятлардан 9,5 минг нафардан ортиқ меҳмонлар иштирок этди. Тадбирда Тошкент вилоятининг 20 дан ортиқ туман ва шаҳарларидан келган ошпазлар кўплаб миллий таомларимиз билан қатнашди.

Бошланиши 1-бетда

Худуднинг ана шу имкониятларидан умумий фойдаланиш мақсадида вилоятнинг туристик объектларини жаҳон андозаларига мувофиқ ташкил қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, янги йўналишларни ривожлантириш, сайёҳларга қўлай шарт-шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятга ташриф буюрган туристларга қўлайлик яратиш мақсадида жойлаштириш воситалари сони жами 916 тага етказилди, шундан 105 таси меҳмонхона ва дам олиш масканлари, 732 таси оилавий меҳмон уйлари, 45 таси ҳостел, 34 таси санаторий ва бошқа соғломлаштириш объектлари ҳисобланади.

кутилаётган 6 миллион АҚШ долларилик замонавий аттракционлар, спорт мажмуаси, дам олиш боғлари, кутубхона, кинотеатр ташкил этилади. Сўнгги беш йилда вилоятга 12 миллион 578 минг сайёҳ ташриф буюрди. Шундан 11 миллион 998 минг нафари маҳаллий, 580 минг нафари эса хорижий сайёҳлар. Бунда аҳолининг соҳадан олган даромади ўртача 968 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 10-20 август кунлари Туризм ва маданий мерос вазирлиги ташаббуси билан "Покатушки клуб Ўзбекистан" жамоаси томонидан Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда "ШХҲга аъзо давлатлар пойтахтидан Самарқанд шаҳрига ҳаракатланувчи автосаёҳат" лойиҳаси ва унинг доирасида XV халқаро "Off road" фестивали ташкил этилди.

Ушбу тадбирларда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь, Озарбайжон, Грузия ва Арманистондан 800 га яқин иштирокчи, хусусан, 10 дан зиёд маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар иштирок этди.

Шу билан бирга, 2022 йил 11 август куни Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Amirsoy Mountain Resort" дам олиш масканида илк бор "Welcome to Bustanlik" халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Беларусь давлатлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, вилоятлардан 9,5 минг нафардан ортиқ меҳмонлар иштирок этди. Тадбирда Тошкент вилоятининг 20 дан ортиқ туман ва шаҳарларидан келган ошпазлар кўплаб миллий таомларимиз билан қатнашди.

Мазкур фестивални ўтказишдан мақсад ўзига хос, мазали, бетакрор миллий таомларимизнинг тайёрланиш жараён-

ларини чет эллик меҳмонларга кўрсатиш, уларга бу таомларни улашиш орқали сайёҳларни жалб этиш, мамлакатимиз, хусусан, Тошкент вилоятида гастрономик туризмни ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, фестиваль орқали халқимизнинг меҳмондўстлигини намойиш этиш, вилоятнинг бой ва гоёат хилма-хил туристик салоҳиятга эга эканлиги, тоғлари, қир-адирлари, дарё ва кўллари бутун дунёга танитишдан иборат.

Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва унга аъзо давлатлар маданий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш, шунингдек, туризм ва маданий мерос соҳасида илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан мамлакатимизда кўплаб учрашувлар, форумлар ўтказилди.

ШХҲ Бош котиби Чжан Мин соҳага доир ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини ижобий баҳолаб, Бўстонлик туманидаги янги лойиҳалар билан ҳам танишган эди. Бош котиб тарихий меросимиз, диққатга сазовор жойлар унда катта таассурот қолдирганини мамнуният билан изҳор қилди.

Сайёрамиз жами аҳолисининг 44 фоизини қамраб олган ШХҲТ ҳудуди салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган улкан туризм бозоридир. Бошқа соҳалар қатори "ШХҲТ ички туризми"нинг ривожлантирилиши мазкур ташкилотга аъзо бошқа давлатлар қатори мамлакатимизга ҳам туристлар оқимининг кўпайишига, соҳанинг янада раванк топшишида янги имкониятлар эшитгани очади.

Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимиз аҳолисининг байрам кунларини мазмунли ўтказишлари учун ички саёҳатларни йўлга қўйишга эътибор қаратилди. Унга қўра, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида "Саёҳат қил ва кешбэк ишла" шiori асосида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга оширган мамлакатимиз фуқароларига харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш йўлга қўйилди.

Тошкент вилоятида туризм салоҳияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилган, деб бўлмади. Бу жиҳат шу йилнинг 22 сентябрь куни Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан ҳам алоҳида таъкидланди. Президентимиз Тошкент вилоятидаги туризм соҳаси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганини танқид қилди. Соҳанинг бугунги ҳолати таҳлил қилган экан, туристларнинг 80 фоизи Бўстонлик туманига бориши, бошқа туманларда инфратузилма ва хизматлар паст даражада эканлиги, ички ва хорижий туристлар сони 1,5 миллион нафарга ҳам етмаслиги таъкидланди.

Дам олиш кунлари Тошкент вилояти йўлларида катта тирбандликлар бўлиши, чунки кўпчилик Бўстонликка чиқиши, нега Паркентда ҳам шунақа тизим қилинмаётгани алоҳида қайд этилди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида кўплаб соҳалар, хусусан, туризм тармоғини ривожлантириш борасида ҳам аниқ вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, Паркент, Ангрэн ва

66 Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимиз аҳолисининг байрам кунларини мазмунли ўтказишлари учун ички саёҳатларни йўлга қўйишга эътибор қаратилди. Унга қўра, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида "Саёҳат қил ва кешбэк ишла" шiori асосида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга оширган мамлакатимиз фуқароларига харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш йўлга қўйилди.

Оҳангарон тоғли ҳудудларида замонавий туризм кластерлари ташкил этилиши таъкидланди.

Ана шу вазифаларни рўёбга чиқариш учун Оҳангарон туманида муайян ишлар олиб боришмоқда. Масалан, "Evrol international" МЧЖ бош директори ва таъсисчиси Зоеренг're Боукари Буркинабе ҳамда "Tog' o'lkasi maskani" МЧЖ ҳамкорлигидаги инвестициявий лойиҳа доирасида 40 та икки қаватли замонавий коттеж, сузиш ҳавзалари, замонавий ва даволаниш маскани, уйингоҳлар, дўконлар, спорт олимпиадалари учун алоҳида сузиш ҳавзаси, дор йўли, шунингдек, пилдалар юриши учун махсус йўлақлар, кичкина ҳайвонот боғини барпо этиш кўзда тутилган.

Бироқ туризм соҳасида Тошкент вилоятининг ишга солинмаган имкониятлари ҳали кўп. Паркент, Ангрэн ва Оҳангарон тоғли ҳудудларида замонавий туризм кластерларининг ташкил этилиши, келгусида бу борада амалга ошириладиган ишлар сайёҳлар оқимининг кўпайишига, ҳудуд туристик салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилади.

ТАНЛОВ



МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат борасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш мақсадида тизимли ишлар олиб бормоқда. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган "Меҳнат ҳуқуқи — ёшлар нигоҳида" танлови ана шундай тадбирлардан бирidir.

Йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, халқаро ва миллий меҳнат стандартлари моҳиятини тарғиб қилиш, шу орқали фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Федерация ва Тошкент давлат юридик университети ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида ўтказилган танлов меҳнат жамоаларида турли қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Танловда талабаларнинг меҳнат ҳуқуқи, унинг кафолатлари, касаба уюшмаларига аъзоликнинг афзалликлари, миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, ижтимоий меҳнат соҳаси ва бошқа йўналишлардаги билимлари тест, озаки суҳбат, тезкор савол-жавоб шаклида баҳоланди. Республика босқичига етиб келган 18 талаба орасидан бир нафар биринчи, икки нафардан иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари аниқланди. Якуний натижаларга қўра, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 3-курс

талабаси Дониёр Усмонов биринчи ўринни кўлга киритди ва диплом, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг махсус совғаси билан тақдирланди. Иккинчи ўринга Тошкент давлат юридик университетининг 4-курс талабаси Жаҳоҳир Исмоилов ва 3-курс талабаси Нозимжон Одилов сазовор бўлди. Учинчи ўрин ҳам Тошкент давлат юридик университети талабалари Ойбек Аҳмедов ва Ғолибжон Неъматовга насиб этди. Уларга ҳам диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Танловнинг республика босқичида иштирок этган турли олий таълим муассасаларининг 13 талабаси ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан муносиб рағбатлантирилди. — Бу каби танловларда иштирок этиш меҳнат соҳасига оид билимларимизни оширишга, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини мустақамлашга хизмат қилади, — дейди танлов ғолиби Дониёр Усмонов. — Ўз навбатида, меҳнат жамоасида ишлаш кўникимиз шаклланади. Шу нуқта назардан, танловда иштирок этиш барчамиз учун қизиқarli ва фойдали бўлди.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ

ИЛГАРИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР БИЗНЕС БОШЛАШГА ҚЎРҚАРДИ...

Хайрулла САТТОРОВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ижрочи директори

Бошланиши 1-бетда

Ўтган бир йилдан зиёд вақт давомида ёш тадбиркорлар сони 500 минг нафардан 750 минггача ошганининг ўзиеқ фикримизга далил бўла олади.

66 "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси бизнес ташаббуслар, стартап гоьлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори мутахассисликлар ва бизнес юрийтиш кўникмаларига ўқитиш борасида эътиборга молик ишларни бажариб келмоқда.

Тадбиркорлик — ноёб қобилият. Ташкилотчилик, ижодкорлик ва ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, янгиликка доимий интилиш, новаторлик билан тавсифланадиган бу касбнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Юқори харажат, рақобат, хавф-хатарга доим тайёр туриш каби хусусиятлар бу соҳага қадам қўяётганлар учун бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Айниқса, ёш ва тажрибасиз бўлса. Масыулиятли қарорлар қабул қилиш зарурати туғилганда эса ўринли маслаҳат ва йўл-йўриқ тадбиркорлик орузидагиларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши, янги гоьлар амалга ошишига туртки бериши ҳам мумкин.

Жамғарманнинг асосий вазифаси ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқиши, билим ва кўникмаларини ошириш, ишбилармонлик сир-асрорларини ўргатиш, десак хато бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, вилоятларда тадбиркорлик истагидидаги йигит-қизларни тўлиқ қамраб оладиган тизим шаклланди. Жойларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидидаги ёшларнинг билимини ошириш мақсадида малакали мутахассислар иштирокида ташкил этилган бизнес семинарларда жорий йилнинг биринчи ярмида 13 минг 467 нафар ёш қамраб олинди.



Давлат дастурлари доирасида барча ҳудудда имтиёзли кредит олиб, фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар маҳсулотларининг қўرғазма-савдо ярмаркалари ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолиятига қизиққан 10 минг нафардан зиёд ёш қамраб олингани ҳам бу борадаги эътиборга молик ишлардан бўлди. Ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган 7 минг 846 нафар ёшга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, сугурта, меҳнат ва бошқа соҳаларда консалтинг хизматлари кўрсатишга қўра, "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказларида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш учун турли тадбирлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳудудларда ўз касбининг устаси бўлган етакчи тадбиркор, хунарманд ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда шоғирд тайёрлаш амалиётини жорий этиш орқали 6,5 минг нафардан зиёд йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик уюшмалари, вазирликлар ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда ёш ишбилармонлар лойиҳаларини молиялаштириш чораларини кўриш орқали 11 мингдан зиёд ёшнинг ўз бизнесини йўлга қўйишга қўмаклашилди. Натижада уларнинг 302,2 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Ёшлар учун қўлай бизнес муҳитини яратиш мақсадида Фарона, Навоий вилоятларида коворкинг марказлар, Қашқадарё вилоятининг Чирокчи тумани ҳамда пойтахтимизда "Book

safe — kitob olami" комплекси ҳамда Чилонзор туманида Ёшлар бизнес маркази барпо этилди.

Ушбу мажмуаларда ёш тадбиркорлар учун консултатив марказлар, имтиёзли ижара нархларида замонавий офислар, "Book safe", IT, робототехника, хорижий тиллар, замонавий касб-хунарларни ўқитишга қаратилган ўқув марказлари, медиа студия, архитектура ва дизайн, халқаро логистика хизматлари фаолиятини йўлга қўйилди. Мазкур комплексларда 654 нафар ёшнинг доимий бандлиги таъминланди, 4 минг нафарга яқин йигит-қиз билим олишига имконият яратилмоқда.

Бугун баралла айтишимиз мумкин: аксарият ёшларимиз юртимиздаги ислохотлар билан ҳамнафас қадам ташлапти. Илгари уларда тадбиркорликни бошлаш, солиқ, давлат хизматчиларидан кўрқув бор эди. Иш бошлашдан олдин иккиланар эди. Энди тўсиқлар олиб ташланди. Энг катта ютуғимиз ҳам шу бўлди. "Қимматга тушган хатолар" дастури доирасида мамлакатимиз бўйлаб муваффақиятга эришган йирик тадбиркорлар иштирокида 65 маротаба руҳлантирувчи тренинг, бизнес учрашувлар ўтказилди. Унда халқаро даражадаги бизнес тренер ва экспертлар, муваффақиятга эришган ишбилармонлар бой ҳаётий тажрибаси билан ўртоқлашди. Иш бошлашдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашувларда 16 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди.

Ютуқларимиздан яна бири шуки, бугун иқтисодий ривожланиш асосларини ёшларимиз чукр англаб етлапти. Дунёда тадбиркорликни ривожлантириш борасида аниқ методологиянинг ўзи йўқ. Бундай методологияни яратиш ҳам имконсиз. Чунки у давр ва инфратузилмага қараб ёки ихтисослашувдан келиб чиқиб, муттасил ўзгариб боради. Ривожланишда депсиниш бўлмайди. Унда мослашувчанлик, мунтазамлик бор. Биз буни ёшларга тушунтиришга ҳаракат қилдик. Учрашувларда таниқли ишбилармонлар энг қийин дақиқада ҳам курашдан тўхтамаслик, таважжал қилишдан чўчимаслик, қийинчиликларни янги усулларда ечишга ҳаракат қилиш, барча ишни пухта режалаштириш, ўқиб-ўрганиш ҳақида сабоқ берди.

Кишиларда ишонч уйғотувчи, ўз ортидан эргаштира олувчи ва умумий муваффақият учун ўзини юз фоиз ишга бағишловчи инсон қиёфаси ёшларимизни бефарқ қолдирмаганини кўриб, қувонади киши.

1 ОКТАБЬР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ХАЛҚНИНГ ОБРЎСИНИ КЎТАРГАН ЗОТЛАР

Бошланғичи 1-бетда

**Абдуқодир ШАМСИДДИНОВ, Марҳамат туманидаги 47-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби:**



Одамлар ҳам ўқитувчиларнинг касб байрами тақвимдагина дам олиш эканига кўниккан эди. Шoir айтганидек, бугун дориламон кунлар келди. Давлатимиз раҳбари биз, ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табригида таъкидлаганидек, педагог ходимларни мажбурий

меҳнат ва турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани чиндан ҳам бугун ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда. Янги Ўзбекистонда инсон азиз экани, ҳар бир эзгу ишнинг эътибордан четда қолмаётгани ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилган алоҳида эҳтиромда ҳам яққол ўз ифодасини топди. Яъни ўқитувчи том маънода ўз касбининг фидойиси бўлиши учун имконият берилди.

Ўзим фаолият юритаётган мактабда бўлғуси кимёгарларни тарбиялашга бор салоҳиятим, педагогик тажрибамни ишга солиш билан Президентимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиляпман.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, унинг янги тараққиёт даврига асос солиш бевосита миллатнинг янги авлодини тарбиялаб, вояга етказиш билан боғлиқ. Жамиятда мураббий ва муаллимлар ролини кескин ошириш ортдан бугун ёш авлоднинг кўлга киритаётган оламшумул ютуқлари, юртимизда ўқитувчи-мураббийлар, устозларга кўрсатилаётган эҳтиром ҳам бардавом бўлади.



**Нурилом ТҲУЛИЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми кафедраси профессори, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби:**



— Кўни кеча давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини ҳар доимгидан-да кучли ҳаяжон билан эшитдик. Сабаби, бу гал байрамимиз ШХТнинг нуфузли меҳмонларини қабул қилган Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказида ўтказилди. Дунёнинг манаман деган давлат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакилларига мезбонлик қилган бу масканда касб байрамимиз нишонлангани устозларга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг яна бир далили бўлди. Юқори савияда ташкил этилган тадбир шуқуҳи биз, мураббий ва педагоглар руҳиятига кўчиб, кайфиятимизни ниҳоятда кўтарди. Умрининг қирқ йилдан ортиги таълим соҳасида кечган педагог сифатида муаллим зотига кўрсатилаётган эҳтиромдан бениҳоя мамнун бўлдим.

Ўқитувчилик, мураббийлик — улғу касб. Педагог соҳанинг қайси бўғинида хизмат қилмасин, миллатнинг, халқнинг болаларини тарбиялайди, ўқитади, касб-хунар ўргатади, кўникма ва малакасини оширади. Шифокор инсон танаси билан, муҳандис жисм билан ишлайди. Муаллим эса одамнинг маънавияти, маърифати, пиروардида, руҳиятини камолга етказиш билан шуғулланади. Шу боис, устоз деб шарафланади.

**Жуманазар МУСТАФОЕВ, Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби:**



— Муборак битикларда бундай ёзув бор: “Агар бу дунё саодатини тиласанг, тижорат қилгил, агар у дунё саодатини тиласанг, ибодат қилгил. Агар ҳар икки дунё саодатини истасанг, илм ўрган ва уни бошқаларга ўргат”.

Устозлик олий мартаба ва шараф. Президентимиз фармонида биноан “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони билан тақдирланганимни эшитганимдан сўнг буни

янада теран ҳис этдим. Ўқитувчилик фаолиятимнинг 30 йиллиги арафасида “халқ ўқитувчиси” деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу юксак унвон, бу мақом менга нафақат рағбат, балки куч ва шижоат ҳам бағишлади.

Президентимиз ҳар бир чиқишида ўқитувчи, устоз ва мураббийлар Учинчи Ренессанс пойдевори бунёдкорлари, маърифат, маънавият боғининг боғбонлари эканини қайта-қайта таъкидлайди. Чиндан ҳам инсониятнинг маънавий дунёсини тартибга солувчи, унинг йўлини эзгулик томон йўналтириб турувчи, илм машъаласини кўтариб, шогирдларни изидан эргаштира олувчи инсон муаллимдир.

Қўлга киритаётган ютуқларим негизда марҳум устозим, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, “Эл-юрт хурмати” ва “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Тўхтамурод Жумаевнинг муносиб хиссаси бор. Қорақўл лицейининг шўхрати ҳам унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Устоз ўрнатиб кетган қатъий тизим ҳамда фаолиятга асосланган.

Бир вақтлар раҳматли Тўхтамурод Жумаев: “Қани энди мактабимиз эришган натижалар Президентимиз назарига тушса, бошқача ўзгаришлар бўларди, имкониятларимиз янада кенгайра эди”, деб орзу қиларди. Сўнги йилларда устознинг ниёти ушломқода, бемисл меҳнат, тинимсиз изланишларимиз билан эътиборга тушмоқдамиз ва эътироф этилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ёшларининг илм-фан, спорт, ишлаб чиқариш, ихтирочилик борасида юртимиз ҳамда халқаро миқёсда ютуқларга эришиш, тенглар ичра тенг овоз билан халқаро майдонда ўз мавқеига эга бўлиши йўлида хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимни умумхалқ байрам билан самимий муборакбод этаман. Қаддимизни ва кадримизни эл ичда янада кўтарган Президентимизга Қорақўл лицейи жамоаси номидан чексиз миннатдорлик билдираман!

**Баҳодир ЭШОНҚУЛОВ, Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-имконияти чекланган болалар учун мактаб-интернат тарбиячиси, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони соҳиби:**



— Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда дунё ёшларидан ортада қолиш имконияти қўлдан бой бериш билан баробар. Фан-техника ютуқларини улардан зиёд билмаган муаллим ривожланишдан анча орқада қолади. Давлатимиз раҳбари Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқариш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу айнан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари байрам табригида, жумладан, бундай деди: “Бизнинг мақсадимиз — Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур”.

Узоқ йиллардан буён Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-имконияти чекланган болалар учун мактаб-интернатда логопедия йўналиши бўйича тарбиячи сифатида фаолият юритаман. Нўтқда нуқсонли бор болаларнинг тилидаги камчиликларни бартароф этиш, уларнинг талаффузини тўрирлаш, раван гапириши учун ўз билим ва

тажрибамни ишга солиб келяпман. Бугун мамлакатимизда логопедия йўналишида ижобий натижаларга эришилмоқда, яъни мутахассислар етишиб чиқмоқда. Хоржийнинг илгор тажрибаси асосида болаларнинг тилидаги нуқсонларни тuzатишга эришиляпти.

Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги мавқеи ва обрўсини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида кўплаб ҳамкасбларим қатори мен ҳам давлатимизнинг юксак унвонларидан бирига лойиқ қўрилдим. Бу ҳам шараф, ҳам зиммаларимга катта масъулият юклайди. Келгусида ўзим фаолият юритаётган соҳа бўйича изланиб, бундан кейин ҳам ёш авлоднинг таълими-тарбияси йўлида бор билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

**Муҳаббатхон МАМАЖОНОВА, Қўштепа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби:**



ладим. 2009 йили Фарғона давлат университетидеда бошланғич таълим йўналиши бўйича тахсил олиб, олий маълумотли мутахассис бўлдим. Бугун устоз ва мураббийларга берилган имтиёз ва имкониятлар ишлаш, интилиш, янги ташаббусларга ундайди. 2016 йили бошланғич синфларга мўлжалланган “Бўгинлаб ўқиш ва имло саводхонлиги” мавзусидаги амалий тажрибаларга асосланган рисолам юртимиздаги умумтаълим мактабларида оммалаштирилди. 2019 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирландим.

Президентимизнинг муаллимларга йўллаган табригидаги самимий дил сўзлари, бизга ишончи руҳлангирди. Бугун ўқувчиларим билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрлаши, дунёқараши, орзу-мақсадлари юксаклигига қўйил қоламан. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда илм-фан соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош авлод шаклланимоқда. Биз эса уларга кўмакчи бўлаётганимиз билан фахрланамиз.

— Президентимиз фармонида кўра, ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносибати билан бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори давлатимизнинг нуфузли ордени билан тақдирланганимни жуда ҳам қувонгирди. Табриклар, кутловлар бир дам бўлса-да тингани йўқ. Одий қишлоқ ўқитувчисининг меҳнати бу қадар эътироф этилиб, рағбатлантирилгани нафақат менинг, балки бутун фарғоналик устозлар меҳнатига берилган юксак баҳо, десаам муболага бўлмайди. Бу захматли ва шарафли касбга меҳр қўйиб меҳнат қилаётганимга ўттиз йил бўлди. Дастлаб Марғилон шаҳридаги педагогика касб-хунар коллежини тамом-

**Салима КАДИРИМБЕТОВА, Нукус туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:**



қуроллар ёрдамида мазмунли ўтишга, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини мавзуга қаратишга ҳаракат қиламан. Болаларни дарсга қизиқтира олган муаллимнинг меҳнати зое кетмайди. Шу сабабли, ҳар кўни дарсга пухта тайёрларик кўраман. Ўқувчиларим фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида совринли ўринларни эгаллаб, меҳнатимни юзага чиқармоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшashi керак. Дарҳақиқат, қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган педагоггина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади. Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ҳамда малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашга қаратаётган эътибори ўғил-қизларимизнинг оламшумул ютуқларида акс этиб, ўз самарасини кўрсатади.

Бугун давлатимизда таълим муассасаларига, ўқитувчиларга эътибор юқори даражада. Байрам муносибати билан Президентимиз томонидан орден билан тақдирландим. Бундай юксак мукофот биз, ўқитувчиларни янги марраларга ундайди. Устозларни ҳурмат ва эъзоз қилган эл доим бахтлидир. Бетакрор Самарқанд шаҳри бўйлаб биз учун уюштирилган саёҳат ҳам муаллимларга эътиборнинг амалий ифодасидир.

Кичкиналимгидан ўқитувчи бўлишни ниёт қилганман. Ҳар бир дарсни илгор педагогик технологиялар асосида, кўрғазмали



**Манзура МИСИРОВА, Дўстлик туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби:**

— Бу йилги касб байрамимиз мен учун кўшалқ хурсандчилик бўлди. Президентимиз фармонида биноан орден билан тақдирландим. Мамлакатимиздаги минглаб ўқитувчилар орасида ушбу юксак мукофотга лойиқ қўрилган

нимдан қалбим қувонч ва шодликка тўлди. Бу нафақат менинг, балки мен билан ёнма-ён меҳнат қилаётган касбдошларимнинг, мактабимиз жамоасининг ҳам ютуғидир.

Итирма икки йилдан бери таълим соҳасида ишлайман. Эътироф этиш керак, бугун мамлакатимизда халқ таълими тизимида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, шунингдек, “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳани ривожлантиришда катта туртки бўлди.

Президентимизнинг: “Сиз, азиз устоз ва мураббийлар бугун мана шундай ўта масъулиятли жабҳада том маънода тарихий миссияни адо этмоқдасиз. Чунки Ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, ўзининг қатъий ҳаётий позициясига эга, ҳеч қимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаш — ҳақиқатан ҳам гоят эзгу ва улғу вазифадир”, деган сўзларини меҳнатимизга берилган энг юксак баҳо деб биламан. Ушбу юксак мукофот менга фахр, шараф ва ифтихор бағишлаши билан бирга, зиммалар катта масъулият ҳам юклайди. Бундан кейин ҳам бор билим ва кучимни халқ таълимини ривожлантиришга сарфлаб, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

## НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ  
ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

**Нодирбек РАСУЛОВ,  
иқтисодий фанлари  
доктори**

Тошкентда шу йил 29 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити якунларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. “ШХТ Самарқанд саммити: минтақавий ва халқаро хавфсизлик, барқарор ривожланишга қўшилган ҳисса” мавзусида ташкил этилган тадбирда, аввало, нуфузли саммит юқори даражада ўтказилгани яна бир бор таъкидланди. Ўзбекистоннинг ШХТга раислик жараёни муносиб якунлангани, айниқса, унда Президентимизнинг ташаббуслари аҳамиятли ва долзарблиги нуқтаи назардан дунё жамоатчилиги эътибори ва эътирофига сазовор бўлгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, Самарқанд 15-16 сентябрь кунлари жуда катта ва муҳим тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилиш асосида халқаро сиёсий ва иқтисодий дипломатия майдонига айланди.

ШХТ саммитида муҳокама қилинган масалалар, эришилган келишувларнинг иқтисодий жиҳатлари, ташкилот мақомидаги давлатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасидаги музокаралари ҳамда Ўзбекистоннинг ташаббусларини уч йўналишда кўриб чиқиш мақсада мувофиқ бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ШХТга раислик қилган бир йиллик даврида иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлари. Иккинчиси, саммит доирасида Президентимизнинг айрим давлат раҳбарлари билан ўзаро икки томонлама иқтисодий келишувлари, бу борада тузилган шартнома ҳамда имзоланган меморандумлар. Учинчи йўналиш эса саммитнинг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон томонидан иқтисодий соҳада илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти.

Энди мазкур йўналишларда эришилган натижаларнинг иқтисодий аҳамиятига тўхталасак.

Биринчи йўналиш: Ўзбекистоннинг ШХТга раислик қилган даврида 80 дан ортиқ йирик тадбир ўтказилди. Буларнинг аксарияти, асосан, иқтисодий соҳадаги муаммоларни ечиш, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт коммуникацияси тизимини кенгайтириш, иқтисодий рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини фаоллаштириш каби муҳим йўналишларни қамраб олади.

Эътиборли жиҳати, ушбу йўналишларда Ўзбекистон ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликнинг янги механизми ва ёндашувларини амалиётга



жорий этди. Хусусан, Ўзбекистоннинг тузилмага раислиги давридаги тадбирлар Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм, Нукус ҳамда Фарғона вилоятларида ўтказилди. ШХТга аъзо давлатлар транспорт вазирларининг Хива шаҳрида ўтказилган йиғилиши, Бухородаги камбағалликни қисқартириш, Тошкентдаги II иқтисодий халқаро форумни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Тадбирларнинг худудларда ўтказилиши, биринчидан, ШХТдаги давлатларга худудларимизнинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини берган бўлса, иккинчидан, вилоятлардаги инфратузилмалар яхшиланиши, ижтимоий объектлар қурилиши ҳамда сайёҳлик салоҳияти юксалишига замин яратди. Бунинг учун худудларда айрим тармоқ вазирлари учрашув ва йиғилишлари, муайян мавзунга қамраб олган форум ва конференциялар ҳам ташкил этилди.

Иккинчи йўналиш бўйича ҳам худуд шундай ижобий жиҳатларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан, саммит доирасидаги тадбирларнинг яна бир муҳим жиҳати, Президентимизнинг Эрон, Хитой, Покистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон каби давлатлар етакчилари билан икки томонлама музокаралар



66

**УЧРАШУВДА СИЁСИЙ, САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИНВЕСТИЦИЯВИЙ, ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ ВА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музокаралари самарали ва амалий руҳда ўтганини икки давлат ўртасида имзоланган 18 та ҳужжат ва уларнинг мазмунидан ҳам билиш мумкин.**

Ўтказгани ҳамда иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳаларда эришилган келишувларни таъкидлаш ўринли.

Давлатимиз раҳбарининг ШХТ саммити доирасида 14 сентябрь куни Эрон Президенти Иброҳим Раисий билан икки томонлама учрашуви жуда кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Эрон табиий газ захираси бўйича жаҳонда иккинчи, нефть захираси бўйича тўртинчи ўринда туриши ҳамда Ўзбекистоннинг денгизга чиқиши борасида ушбу давлат қўлай мамлакатлардан бири экани билан алоҳида ажралиб туради.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт логистикаси ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музокаралари самарали ва амалий руҳда ўтганини икки давлат ўртасида имзоланган 18 та ҳужжат ва уларнинг мазмунидан ҳам билиш мумкин.

Жумладан, ишбилармонлик ва илмий доиралар вакиллари ҳамда сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартибини соддалаштириш, 2022-2025 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш, фан, техника ва инновация соҳаларида ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланиши гоят аҳамиятлидир. Шунингдек, электрон божхона ахборотини алмашиш, соғлиқни

ўтилди. Бунинг учун бир қанча ташаббуслар илгари сурилди.

Мамлакатлар ўртасида кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш ташаббуси бугунги глобал иқтисодиёт ривожига ўзига хос роль ўйнайди.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ўзаро савдони рағбатлантириш мақсадида ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш ҳам муҳим тақдирлардан биридир. Бунинг учун 2023 йилда Самарқандда Ўзбекистон — ШХТ саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш тақдир қилинди.

Ҳар йили ШХТ доирасида йирик савдо ярмаркасини ўтказиш ташаббусининг рўйида чиқарилиши минтақаларо савдонини ривожлантиришга катта туртки беради.

Яна бир ташаббус — 2023 йилда Озбек-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш ШХТ доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ечимни кутаётган тизимли муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

БМТнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда ШХТнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳ-

камлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим, фармацевтика ва табиий ускуналар соҳасидаги, нефть-газ ва нефть кимёси тармоқларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бира, Эроннинг “Чобаҳор” порти орқали халқаро юк ташиллар ва транзитни амалга ошириш тўғрисидаги келишув жуда муҳимдир.

Учинчи йўналиш — саммитнинг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар ҳам аҳамияти, қамрови ва долзарблиги жиҳатидан жуда муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, ташкилотнинг принципал ёндашувларидан келиб чиқиб, 2040 йилгача ШХТни ривожлантириш стратегиясини тайёрлашни тақдир этди, иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, маърузада ташкилотнинг иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш гоят муҳим эканига эътибор қаратилди. Ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан мавжуд иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши минтақада барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан бири экани кўрсатиб

камлаш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш ташаббуси ҳам муҳимдир. Чунки “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ҳамда “Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар” темир йўли қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш жараёни бошланди. Бунинг учун 2023 йилда Ўзбекистонда ШХТнинг биринчи транспорт форумини ўтказиш ташаббуси ўртага ташланди.

Шунингдек, ШХТ доирасида ўзаро сайёҳлик оқимларини кўпайтириш, бу борада қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда туризм йўналишидаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун 2023 йилни “ШХТ маконида туризм ривожлантириш йили” деб эълон қилиш тақдир аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бу Самарқанд декларациясида ўз ўрнини топди.

Давлатимиз раҳбари томонидан бундай ташаббусларнинг илгари сурилиши келажақда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш, минтақада иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва мамлакатларимиз аҳолиси фаровонлигини оширишга замин яратиши шубҳасиз, албатта.

## БРИФИНГ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН  
ЛОЙИҲАСИГА ҚАНДАЙ ЯНГИ  
МОДДАЛАР ҚўШИЛМОҚДА?

Конституциявий комиссия матбуот хизмати томонидан ўтказилган брифингга “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда уни тақдимлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Шу кунларда Бош қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёни давом этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул қўмиталари халқимиздан келиб тушган 150 мингдан ортиқ тақдир асосида конституциявий қонун лойиҳасини маромига етказиш устида иш олиб борапти. Бу жараёнда аҳолининг ўринли тақдирлари инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳасига яна бир қанча янги нормалар киритилмоқда.

Парламент қуйи палатасидаги масъул қўмиталарда ҳар бир тақдир экспертлар, соҳа мутахассислари, олимлар, сиёсатчилар иштирокида атрофлича муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаси матни лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда, юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён этилиши таъминланаётган.

Қонунчилик палатасидаги Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси ҳам Конституциявий комиссия аъзолари, масъул қўмиталар билан биргаликда лойиҳа матнини қайта-қайта кўриб чиқди. Бу жараёнда Конституциянинг содда, раво, халқчил бўлишини таъминлашга, асосийси, лойиҳанинг муқаддимасидан тортиб ҳар бир моддасидаги сўзлар

эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг ва журналистларнинг фаолиятига тўқсонлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этадиган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир”, деган янги нормани қўшимча тарзда киритиш кўзда тутиляпти.

Қайд этилишича, кейинги йилларда нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик мувозанатни сақлаш масаласига ўзига хос ечим бўладиган янги норма Конституциядан ўрин олиши кутилмоқда. Хусусан, лойиҳага киритилиши тақдир этилаётган

66

**67-МОДДАДА ЭСА “ДАВЛАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЭРКИНЛИГИНИ, УЛАРНИНГ АХБОРОТНИ ИЗЛАШ, ОЛИШ, АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТАРҚАТИШГА БўЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ВА ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА Тўқсонлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ўзлари ТАҚДИМ ЭТАДИГАН АХБОРОТНИНГ Тўғрилиги учун жавобгардир”, деган янги нормани қўшимча тарзда киритиш кўзда тутиляпти.**

мазмунини, қўлланиш изчиллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Брифингга халқимиздан келиб тушган тақдирлар асосида шакллантирилаётган конституциявий нормалар мазмун-моҳияти ҳақида ҳам маълумот берилди. Қайд этилишича, ҳозирги кунда қонун лойиҳасининг концептуал ва таҳририй тузатишлар киритилган айрим моддалари ҳақида Конституциявий комиссиянинг расмий саҳифалари ва оммавий ахборот воситаларида батафсил маълумот бериб борилмоқда. Хусусан, 26-, 37-, 41-, 45-, 46-, 98-, 99-, 112-моддаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани юзасидан ахборотлар ўз вақтида эълон қилинган.

Конституциявий комиссия матбуот хизмати томонидан қонун лойиҳасига киритилаётган янги нормалар юзасида ахборот бериларкан, 65-моддада ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳамда уларнинг жамият, давлат ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантириш давлатнинг муҳим вазифаси эканини белгилловчи норма қўшимча сифатида киритилиши тақдир этилаётгани билдирилди.

67-моддада эса “Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг

40-моддада фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга ҳўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун давлат шарт-шароитлар яратиши лозимлиги белгиланмоқда.

Шахарсозлик ҳужжатлари лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши ҳам Конституция даражасида мустаҳкамланиши кутилмоқда. Бу ўзгариш жамиятимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, айниқса, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини кескин ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Брифингга қонун лойиҳасининг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилиши, халқ вакилларининг фикрлари эътиборга олинган ҳолда кейинчалик тайёр бўладиган конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилиши маълум қилинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



МУЛОҲАЗА

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Бу муаммо кўрраи заминда тирикликни сақлаб қолиш билан боғлиқ. Негаки, бугуннинг ўзида бир миллирдан ортиқ киши тоза сув истеъмол қилиш имкониятига эга эмас. Кейинги ўн беш йил ичида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги жамийи ҳарбий ҳаракатларда ҳалок бўлган болалар сонидан кўпроқ норасида тоза сув муаммоси туфайли орттирган касалликлар боис ноъбуд бўлди. Ер юзиде истиқомат қилаётган жамийи аҳолининг деярли ярми сув истеъмол қилишда бундан икки минг йил аввал яшаган қадимги Рим аҳолиси даражасидан анча орқада экан.



НУҚУСДА Тўлепберген Қайпбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этдик. Расмий маросимлар тугагач, бизни енгил катерда Амударё бўйлаб сайр қилишга таклиф этишди. Дарёнинг баъзи жойларида сув сатҳи бир метрдан ошмасди. Катердан тушиб, оёқ яланг сув кечдик. Уйнаб, ўйноқлаб, қирғоқларига тўш уриб оқадиган дарё тузалмас дарга чалинган бемордай номигагина ҳаракат қилар ва бу ҳаракатидан ўзи ҳам қониқмаётган

бор, аммо парвоимиз фалак. Дунё мамлакатларида ичимлик сув баҳоси қанчалигини билсак-да, қанча меҳнат ҳисобига тозаланган сувни ҳовлига, йўлакларга олачалоқ қилиб ҳам эмас, қўллатиб сепамиз, қўлбола фаввора ясаймиз. Набиралар бир-бирларига сув сепади, кийимларини жикқа хўл қилиб мириқашади. Биз ҳам мириқамиз, чунки бизда сув сероб, деган ўзгармас бир фикр бор. "Ўтиб еганга тоғ ҳам чидамайди" мақоли аллақачон тўқилган, аммо "Беҳуда исроф қилганга сув ҳам чидамайди", деган мақол ҳозирча йўқ.

Бундан кўп йиллар аввал япониялик таниқли олим Ўзбекистонга келиб, Буюк ипак йўли ўтган шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳати якунида ўзбек хонадонларидан бирида меҳмон бўлади. Уй эгалари юғурчи-елиб тансиқ таомлар тайёрлашади, дастурхонга сархил мева қўйишади. Қиз-келиндар кўча, йўлак ва ҳовлини супуриб-сидириб, шлангда шаррос-шаррос сув сепади, гул-райҳонларнинг барглари ювади. Айни шу пайти ҳовлига хориж-

Қадимда сув танқислиги боис, қарвон йўлларида сардобалар қурилган. Манбаларда айтилишича, Мовароуннаҳрда тоза сув сақлагич қирқдан ортиқ сардоба бўлган. Сардоба қурилиши учун сув, тупроқ ва қум алоҳида тоза жойдан, ганч Қоровулбозор, Нуротадан олиб келинган. Қумга янтоқ, қамиш, юлғун кули қўшилган. Хумдонга тут ва ўрикнинг қуруқ новдалари ёқилган. Ғиштларни бир-бирига ёпиштирадиган махсус қоричмага қўй сути, туя жуни қўшилган. Натижада иншоот мустаҳкам бўлиб, сув сизиб чиқиб кетмаган ва муҳими, икки йилгача айнимаган, қиш-қировли кунларда иссиқ, ёзда эса муздек турган. Бунинг учун сардобанинг остига уч қават қорамол ва туя териси, уч қават кизил, унинг устига бир қават ганч, энг юқорисига сифатли ғишт ётқизилган.

Умуман, бизнинг сув ҳақидаги тасаввуримиз ё тўла эмас, ё бутунлай нотўғри. Негаки, сув нафақат бугунги кун одамларининг, шу билан бирга, бутун табиат, жамийи жонот, еру осмон, бу ёрғу оламга биздан кейин келади-



СУВДА ХОТИРА БОР



миллион тонна пластик буюмлар тўпланади. Одамлар ҳар куни икки миллион тонна чиқиндини табиий сув ҳавзаларига ташлайди. Сув туфайли давлатлар ўртасида қонли можаролар келиб чиқади. Кузатувларга кўра, яна ўттиз йилдан кейин океанлар суви шўрланиши бир ярим баробар ошади ва бу ҳолат денгиз экотизимида қайта тикланмас йўқотишларга олиб келади. Яна маълумот: йил давомида ҳар бир киши 60 тонна сувни озиқ-овқат орқали истеъмол қилади — бир килограмм картошка етиштириш учун 100 литр, бир килограмм гуруч учун 4000 литр, бир килограмм мол гўшти учун 13 000 литр сув сарфланади.

эди. Абдулла ака бирдан жўшиб кетди. "Дарёни қуритиб бўлсанлар, бирортанг Амударё ҳақида дурустроқ асар ҳам ёзмадинг, наҳотки, нима бўлаётгани, эртага нима бўлишини, ҳаммамизни қандай фалокат кутаётганини сезмаётган бўлсангиз", дея маҳаллий ёзувчиларга танбеҳ берди.

Ҳаёлимга бир фикр келди: юртимизга бостириб келган жамийи босқинчилар шу дарёни кечиб ўтган, қайтишда



ўмарган нарсаларини қўлтқлаб, яна шу дарёдан фойдаланган. Юртимизда тўғилиб вояга етган не-не алломалар, ийрик минтақанинг вужудини чирмовуқдек қамраб, қон томиларини нафас йўллари тўса бошлаганиданми муайян ҳаракатлар бошланди. Аммо кўп нарса бой бериб бўлинганди.

Бундан илгирима йил аввал Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан

лик меҳмонлар кириб келади. Япониялик олим аёлларнинг бу ҳаракатини қўриб, аввалига ерга сепилаётган сув ҳақида сўрайди, ичишга яроқлигини билиб, хайратга тушади ва ҳамроҳларидан бирига: "Уй соҳибни миллиардер бўлса керак", дейди...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Томорқани сугорганда ҳар бир дарахнинг тагида сув қўллаб, қўшни томонга пайнов чиқмагунча қўнлимиз тўлмайди. Далага сув очсак, эгитларга тараб қўйиб, эрталаб хабар оламиз... Телевизорда неча минг йиллардан бери бир културм сувга зор чўлу биёбонларни, сувсизликдан лаблари қақраб, ёрилиб кетган болаларни, қуриб-қакшаб ётган ўрмонларни кўрагим, аммо бунга ажабланмаймиз ҳам. Бу ноёб неъмат ҳақида ажабтовур ахборотларни ўқиймиз. Урта ер денгизи атрофидан айрим давлатлар ичимлик сув муаммосини

ган авлодларнинг ҳам ризқ-насибаси. Бировнинг ризқига хиёнат қилиш оғир гуноҳ.

Сув ҳақида куйинчаклик билан ёзилган бир мақолани такрор-такрор ўқийман: "Аллоҳ таоло бандаларининг ҳолатига ярайдиган, унинг тирикчилигига сабаб бўладиган сувни денгиз, уммонлар шаклида тўплаб беради. Сув бир жойда туриб айниб қолмаслиги учун Парвардигоримиз уни тузалар билан тўлдириб қўяди... Худованд: "Бўлди, мен сувни яратиб қўйдим, энди ундан ўзинг фойдаланиб ол", демади, балки бутунни уммон тепасига келтириб, ундаги чўчүк сувларни ўзига сўриб олиб, шамол билан бандалари устига олиб келиб, сув қилиб ёғдирди. Аллоҳ таоло кўринишидан тоғларга хусн бўлиб турган қору музликларни бизлар учун ўша ерда жамлаб қўйди. Худованд: "Бўлди, ана тоғларга жамлаб қўйдим, энди уни ўзинг бориб, парчалаб, қуйиб олиб келиб, эритиб ишлатавер", демади, балки ўзи Қуёшни унинг устига олиб келиб, тағидан эритиб, ариқлар, сойлар қилиб, хонадонларимизнинг олди-ча оқизиб қўйди..."

Олимлар фикрича, бугун ёмғир, дўл, жала бўлиб ерга сингаётган сув кеча, ўтган ой ёки ўтган йили ердан кўтарилган буг эмас, неча миллион йил аввал булганган, ердан кўтарилган сув. Демак, бугун шивалаб ёғаётган ёмғир томчиларида ўтмиш аждодлар қурғоқ ҳудудларида бунча сув кичикроқ қишлоқ аҳолисининг бир кунлик истеъмол меъёри.

Сув ҳаммаша Яратган эгамнинг ноёб мўъжизасидир. Тарихда мироблик улғў касблардан бири бўлган. Чанқаган кишининг қўлига бир пиёла сув тўтиш беадҳқ савоб ҳисобланган. Бугун юртимизга хорижий давлатлардан илгор тажриба сифатида кириб келаётган томчилатиб сугориш усули дастлаб ўзимизда қўлланилган. Ҳа-ҳа, ўзимизда. Таассуфки, кейин-кейин сувга доим кўп қадриятлар унут бўлиб кетди. Лекин сувни тежаш, ундан оқилана фойдаланиш борасида

ҳеч бир иш қилинаётгани йўқ, десак тўғри бўлмайди.

Мамлакатнинг сув ресурслари, жами сувларнинг миқдор ва сифат таъсирлари доимий равишда ўрганиб борилади. Сув омборлари қурилиши натижасида Ўзбекистонда 4,3 миллион гектардан ортиқ ерда сугорма деҳқончилик қилиш, сув ресурсларидан гидротехника ва балиқчилик мақсадларида кенг фойдаланиш имконияти яратилди. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг қўйидаги маълумотлари фикримизга далил бўла олади: "Мамлакатимизда 97 та ер ости суви кони аниқланган бўлиб, улардан 19 тасининг ҳосил бўлиш зонаси қўриқландиган табиий ҳудудлар тоифасига киритилган. Кейинги йилларда республиканинг сув танқис жойларида аҳолини ичимлик сув билан марказлаштирилган ҳолда таъминлаш мақсадида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2902 та қишлоқ аҳоли пункти эҳтиёжлари ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилади. Аммо бу муаммо тўғрисида ўз ечимини тоғгани йўқ."

Бошқа маълумотларга ҳам эътибор берайлик. 2050 йилга келиб Ер юзи аҳолиси 9 миллиардга етishi башорат қилинмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда турли хавф-хатар, масалан, қурғоқчилик юз бериши мумкин. Ҳозирги илм-фан кўп нарсасга қодир, аммо ҳеч нарса сувнинг ўрнини боса олмайди. Шунга қарамай, ичимлик сув захиралари камайиши ва ифлосланиши, экин майдонлари шўрланиши, сув исрофгарчилиги давом этмоқда. Тугаб бораётган сув захиралари бор. Сув ифлосланиши туфайли одамлар ошқозон-ичак, буйрак, жигар, аллергик хасталикларга дучор бўлмоқда. Замонавий санаятнинг тез суръатлар билан ривожланиши, ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, қайта ишланмаслиги, захарли кимёвий моддалар ишлатилган экин майдонларидан оқиб чиққан пайнов сувларнинг зарари тўғрисида кўп ёзилмоқда, аммо эришарида кўп натижалар қониқарли эмас.

Кейинги йилларда тоғларга қор кам тушди, музликларнинг умумий майдони қискарди, тоғ зоналаридаги сув

захирасини тўловчи ўрмон ва арчазорлар кесилмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракати маълумотлари кишига бир оз тасалли беради: тоза ичимлик сувдан оқилана фойдаланиш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан йўлга солиш мақсадида қонунлар, ҳуқуқмат қарорлари қабул қилинган. Зарафшон дарёси сувини экологик соғломлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Мамлакат ҳудудидаги барча дарё ва каналлар қирғоғида сув муҳофазаси зонасини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, дарё ва каналлар ташланаётган оқова сувларини назоратга олиш, канализация тизимларини мукамаллаштириш, шунингдек, бактериологик ифлосланишнинг олдини олиш муҳим вазифа деб белгиланган. Бу йўналишда жиддий иш бошланган. Анхору каналлар, пойтахтимизнинг сув ва ҳаво йўллари йилда ўн икки ой сув берадиган зотдор соғин сигирини эслатуви "қўлбола" дам олиш зоналаридан тозаланмоқда. Аҳвол шу даражага етганки, маҳаллада, катта-кичик даврано минбарларда одоб-ахлоқ, ҳалоллик-поклиддан гап очиб, ваъхонлик қиладиган айрим "тарбия"чилар сув бўйларига иморат қуриб, ифлос оқовани тоза сув оқаётган каналга тўғрилаб қўйган.

Аҳоли сони ошиши билан ер усти ва ер ости сувидан истеъмол учун фойдаланиш эҳтиёжи янада кучаяди. Демак, сув ресурслари сифатини пасайиб кетишидан сақлаш учун ифлос ташлама (оқова) сув миқдорини қисқартириш, улар дарё ва сув ҳавзаларига қўйишига барҳам бериш, ишлатилган сувни тозалаш усуллари тақомиллаштириш, шу мақсадда махсус қурилмалар ўрнатиш зарур.

Бир қарашда ташвишга тушадиган ҳолат йўқ, ҳаммаси жойида: чора-тадбирлар белгиланган, сувни тежаб ишлатиш ҳаракатлари бор. Аммо шу билангина муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Сувни тежайдиган, тозалайдиган мосламалардан фойдаланиш, янги сув омборлари қуриш, сувга ўч экинларни камайитириш, сув нархини оширишдан ҳам муҳим бир вазифа бор — сувга нисбатан муносабатимиз ўзгариши керак. Бу ўзгариш содир бўлмаси, муаммо йилдан-йилга, мавсумдан-мавсумга мураккаблашиб, охир-оқибат доводдаги чўққилар пойида бир вақтлар сув сатҳи қолдирган излар ҳам яқин ўтмишга боғлиқ афсонага айланади.

Вақт бор, нажот эшикларини ҳали ёпилмаган.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

СОЯ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАГА АЙЛАНМОҚДА

Риштон туманидаги "Обод бог богбони" фермер хўжалиги далаларида ноанъанавий ўсимлик — соя ўрим-йиғими бошланди. 2,5 гектар ерга экилган мойли экиннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги тармоқ фермер хўжалигига 50 миллион сўмдан ортиқ даромад келтирди. Ўсимлик пояси эса хўжалик чорваси учун тўйимли озуқа вазифасини ўтамоқда. Жорий йил вилоятда жами 9 минг 542 гектар майдонда мойли экинлар парвариланди. Айни кунда пишиб етилган илк ҳосил пешма-пеш йиғиштириб олинмоқда. Бугунги кунда йиллик қуввати 51,6 минг тонна бўлган 3 та ёғмой корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Фарғона деҳқончилик мактаби учун ноанъанавий бўлган экинлар екиш ва қайта ишлашга эътибор ошди. Чунки дуккакли дон экинлари орасида соя ва кунгабоқар серҳосиллиги, юқори сифатли мой бериши, инсон саломатлиги учун фойдаланиш элементлари бойлиги, харидорчилиги билан ажралиб туради. Улардан нафақат озиқ-овқат саноатида, балки

чорвачилик ва халқ таботатида ҳам кенг фойдаланилади.

Фарғона вилоятини дала мана шу йўналишга ихтисослаштирилган "Agro green Life" МЧЖ мойли экинлар кластери ташкил этилди. Кластер фермер ва деҳқон хўжаликларига 4 минг 542 гектар майдонга екиш учун соя ва кунгабоқар уруғи етказиб берди, экинларни парвариллаш билан боғлиқ агротехник жараёнга кўмаклашди. Пишиб етилган ҳосилнинг биринчи харидори ҳам кластер.

— Аҳоли дастурхонига арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бугунги куннинг муҳим талабларидан, — дейди кластер раҳбари Акбархон Низомов. — Шу мақсадда хориждан "Atlas", "Aisoy" каби соя навлари олиб келиб экилди. Бу навлар маҳаллий иқлим шароитимизга мос, серҳосиллиги билан ажралиб туради. Илк мавсумда 15,9 минг тонна соя, 2,5 минг



тонна кунгабоқар ҳосили олишни кўзлаб турибмиз. Маҳсулотнинг асосий қисмини соя ёғи ва уни ташкил этади. Унинг дони таркибида 50 фоиз оқсил, 20 фоиз мой мавжуд. Донидан халқ хўжалиги учун зарур бўлган 400 дан ортиқ маҳсулот олинади.

Дарҳақиқат, ички ва ташқи бозорда бу маҳсулотларга талаб юқори. Шу кунга қадар соя мойи ва уни импорт ҳисобига олиб келинган. Янги тармоқ бу борадаги ортиқча овозгарчиликларга барҳам берди. Айниқса, соя уни қандолоқчиликдан ташқари гўшт, сўт, пиллоқ

ўрнини босувчи хомашё сифатида ҳам кенг қўлланилади.

— Соя кўчсеваар ўсимлик. Бир гектар ерга 75-80 килограмм атрофида уруғ керак бўлади, — дейди агроном Илёсхон Жўраев. — Риштон туманида 500 гектардан ортиқ ерга соя экилди. Самара кутилганидек бўлмоқда. Уни экомқчи бўлганлар кўпайишмоқда. Экин навлари иқлим шароитимиз ва тупроқимизга осон мослашди. Унинг нафақат дони, балки пояси ҳам оқсилларга бой бўлиб, чорвани тез семиртиради, сўт миқдорини оширади. Ўсимлик алмашаб экиш учун жуда фойдали. Томирида азот тўплаб, тупроқни қайта ўғитлади. Шу боис, бу ўсимликнинг фойдасини тарғиб қилишга алоҳида эътибор бериляпти.

"Agro green Life" кластери томонидан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар мавжуд хомашёни тўлиқ қайта ишлаш, тайёр ҳолида ички ва ташқи бозорга йўналтириш имконини бermoқда.

"Қўқон" эркин иқтисодий саноат зонаси ҳудудидаги икки гектар майдонда

умумий қиймати 5,9 миллион АҚШ доллари бўлган янги завод қурилиши поёнига етмоқда. Фарғона водийсида ягона мазкур ишлаб чиқариш тармоғи 35 минг тоннадан ортиқ хомашёни қайта ишлайди. Корхонада ёғни сиқши, тозалаш, доғлаш, қадоқлаш цехлари, 10 минг тонна маҳсулот сақлаш омбори қурилди, 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— Бу ерда нафақат соя, балки пахта чигити, кунгабоқар, махсар сингари мойли экинлар ҳам қайта ишланади, — дейди "Astoria Invest" МЧЖ иш бошқарувчиси Ойбек Жўраев. — Яқин кунларда ишлаб чиқариш йўналишида тажриба-синов ишлари бошланади. Истиқболда эса соя уни ва чорва озуқаси ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳани ишга тушираимиз.

Соя дуккакли дон экинлари орасида ёғ миқдори кўп бўлган фойдали ўсимликлардан бири. Фарғона деҳқончилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли ва халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган бу каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш имкониятини бermoқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

МИЛЛАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



БИРИНЧИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИНING МУАЛЛИФИ

Юртимиз озодлиги, мустақиллиги учун курашган маърифатпарвар юртдошларимизни хотирлаб, тарих саҳифаларини варақлаганимизда шарафли касб эгалари бўлмиш ўқитувчиларнинг ани муҳим жараёндаги фидойиликларидан хайратга тушамиз. Шундай миллатпарвар инсонлардан бири Шокиржон Раҳимийдир.

Шокиржон Раҳимий 1898 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Отасининг барвақт вафотидан сўнг икки ўғилни онаси Шарофат ая тикувчилик орқасидан вояга етказди. Билимга чанқок ва зийрак нигоҳли Шокиржон 1903-1909 йилларда Мунавварқори Абдурашидхоннинг беш синфлик биринчи босқич ва рушдий "Намуна" мактабларида тахсил олади. У Мунавварқори Абдурашидхон тавсияси билан кечки рус-тузем мактабини битиргач, Тошкент мадрасаларининг энг илгор мударрисларидан ҳам дарс олади. Шокиржон Раҳимий 1909 йилдан бошлаб жадид мактабда ўқитувчиларга ёрдамчилик қилди. 1912 йилда ўзининг дастлабки ўқув қўлланмасини нашр этди. Ани пайтада "Раҳимия" мактабини очиб, унда 1919 йилгача фаолият юритди.

Ўз даврининг илгор ёшларидан бўлган Шокиржон Раҳимий 1914-1915 йилларда Муҳаммадхон Пошахўжаев раҳбарлик қилган "Турон" жамияти аъзоси, "Турон" театр труппаси фаоли ва "Садои Туркистон" газетаси адабий ходими сифатида фаолият юритди. 1917 йил "Фуқоҳо" жамияти тузилганда унинг котиби бўлди. Сўнг Мунавварқори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Миён Бузрук Солиҳов билан биргаликда Туркистонда том маънодаги сиёсий партия тузишга киришди. Улар Озарбайжон "мусоватчи"ларидан Афандизодани Туркистонга таклиф этиб, "Турк адам марказият" партиясини шакллантиришда фойдаланади. Жадид матбуотида ўз қалами билан танилиб улгурган Шокиржон Туркистон мухториятини жон-жаҳди билан ҳимоя қилади. Бироқ мухторият большевиклар томонидан қонли бос-тирилгач, у яна маорифга қайтади.

1918 йил 12 май куни Мунавварқори Абдурашидхон раҳбарлигида Туркистон халқдорилфунуни очилади. Уч босқичли таълим асосланган дорилфунун хузурида беш йиллик дорилмуаллимин ҳам иш бошлаб, унга Шокиржон Раҳимий раҳбар этиб тайинланади. Улуғбек, Турон, Ватан, Зебуни-со, Навоий, Ҳаёт, Урфон, Учқун, Мухторият, Машраб каби номлардаги ўнлаб мактаблар дорилмуаллимин тасарруфига олинди, уларга Саидрасул Саидазизов, Илхом Одилов, Муҳаммадрасул Расулвев каби кўп йиллар рус-тузем мактабларида таъриб ортирган педагоглар жалб этилди. Ани пайтада аниқ ва табиий фанларни ўқитишда, миллий мактабларда жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим фанларини жорий этишда ўлкага келган турк зобитлари хизматидан ҳам кенг фойдаланилди. Шокиржон Раҳимий мудрлигида иш бошлаган Улуғбек мактабда Тангрикул ҳожи Мақсудий, Усмонхўжа Тўхтаўжаев каби ном қозонган ўқитувчилар бор эди.

Моҳир педагог 1918-1923 йилларда Тошкентнинг эски шаҳар маориф бўлимида мудар, ани пайтада I босқич мактаби ва таълим-тарбия билим юртларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритди. 1919 йил Фитратнинг "Чигатой гурунги" тўғарагининг фаол аъзосига айланди. 1922 йил Тошкентда очилган маориф институтини битириб, олий маълумотли педагог, тилшунос дипломини қўлга киритди. Шокиржон Раҳимий 1923 йилда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мудир лавозимига тайинланади. 1923 йил январь ойида Мунавварқори Абдурашидхон ташаббуси билан очилган "Нашри маориф" жамиятига раис бўлиб, унинг ўринбосари этиб Мунавварқори, котиб Мирқомил Алиев, газначи сифатида Саидносир Миржалолов тайинланади. Жамиятнинг бевосита аъзолари бўлган Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий, Абдулла Авлоний, Салимхон Тиллахонов "Нашри маориф" томонидан амалга оширилган тадбирларда фаол иштирок этади. "Нашри маориф" қисқа муддатда Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида мактаб ва билим юртлари фаолиятини изчил йўлга қўяди, ўқувчи ва талабалар учун моддий ва маънавий кўмак беради. Қатор кутубхоналар очади, китоб ва дарсликлар нашр этади. "Ҳақиқат" журналин чоп этиш йўлга қўйлади.

Раҳимий 1924 йилдан Москвада ўзбек ёшлари учун ташкил этилган Бухоро маориф

уви ва ишчилар факультетида мудар бўлиб ишлади. 1927 йилдан Тошкентда ишчи факультети директори, 1928 йилдан маориф институтини мудар, сўнг "Ўзбекистон" нашриётида мудар бўлди. У педагог сифатида 1919 йилда чоп этилган ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги — "Совга"нинг муаллифидир.

Шунингдек, 1922 йилда унинг "Катталарга ўқиш", "Алифбе дарслиги", 1924 йилда "Катталар йўлдоши", 1925 йилда Шоҳид Эсон Мусаев билан бирга ёзган 4 жилдлик "Ўзбекча тил сабоқлиги" дарсликлари бутун мамлакатга тарқатилган эди. 1927 йилда "Катталар алифбеси", "Яшасун Туркистон", "Батрақлар алифбеси" каби дарсликлари, 1930 йилда "Савод", 1932 йилда "Ўзбек тили иш китоби" сингари ўқув қўлланмалари чоп этилган. Бундан ташқари, "Испом тарихи" китобини ёзди, 1924 йил илк бор миллий календар яратди. Шокиржон Раҳимий тилшунос сифатида ўзбек тили терминлари ҳамда Отажон Ҳошимнинг таклифи билан ўзбек тилидаги сингармонизм ҳодисасини ўрганади.

Шокиржон Раҳимийнинг публицистик мероси орасида унинг мактабларда ўлкашунослик бурчакларини ташкил этиш ва бу борадаги изланишларга бағишланган мақолалари жуда муҳимдир. Жумладан, "Ўзганда бўлган тарихий асарларни текшириш" мақоласида Осори атикани сақлаш қўмитаси топшириғи билан 1925 йил 17-19 сентябрь кунлари 4 киши Ўзган шаҳрида бўлиб, "...эски мўғил замони (Чингизхон)гача Ўзганда бўлган эски



**Шокиржон Раҳимийнинг публицистик мероси орасида унинг мактабларда ўлкашунослик бурчакларини ташкил этиш ва бу борадаги изланишларга бағишланган мақолалари жуда муҳимдир. Жумладан, "Ўзганда бўлган тарихий асарларни текшириш" мақоласида Осори атикани сақлаш қўмитаси топшириғи билан 1925 йил 17-19 сентябрь кунлари 4 киши Ўзган шаҳрида бўлиб, "...эски мўғил замони (Чингизхон)гача Ўзганда бўлган эски ва қийматли асарларни текшириб, кераклик расмлар тушириб, у ерда доимий комиссия сайлаб қолдириб қайтидик", дейди.**

ва қийматли асарларни текшириб, кераклик расмлар тушириб, у ерда доимий комиссия сайлаб қолдириб қайтидик", дейди.

Мақолада бир пайтлар Фарғонанинг йирик марказларидан бўлган ва кейин Ўш уездининг бир қишлоғи даражасига тушиб қолган қадимий Ўзган шаҳридаги тарихий обидаларни тадқиқ этгани ҳақида сўз юритади. Жумладан, Буюк минора, Султон Элининг турбаси (мозори), Султон Санжарнинг рамзий мозори ҳақида каттагина материаллар жамланган. 700-800 йиллар аввал солинган миноранинг ҳамон ўз жозибаси ва маҳобати билан инсонларни ўзига қаратиб келаятганини тасвирлаб, 1923 йил майда Ғойиб Абдурасул ўғли исмли киши уни 6 ой давомида таъмирлаганини ёзади. Муаллиф "қошки уни ўз холида қолдирса эди", дейди. Миноранинг ост қисмини текшириш жараёнида қадимий усталарнинг унга ёшдан махсус бир неча таянч ўрнатгани аниқланган. Таъмирда эса унинг қуйи қисмида рус ёшларидан 8 бурчакли мезана тикланган ва юқорисида ҳам 8 дарчадан иборат гүмбаз солинган. Бу таъмирнинг ҳам охирига етмай қолгани ва зилзила туғайли ўшандаёқ ёриқлар пайдо бўлганини ёзади. Шунингдек, комиссия томонидан Ўзганда бир неча тарихий асар ҳам топилганини келтириб ўтади.

"Этнография коллекцияси (моддий маданият) тўплаш ҳақида" мақоласида эса: "...Ўлкашуносликнинг бир бўлими бўлган этнография (урф-одатни ўрганиш) ҳам унинг бир қисми бўлган этнография коллекциясини тўплаш иши, бизнинг янгигина тузилиб, мактабларимизда ўқитиб турган маданият тарихи ҳам тарих ва адабий лугатларимизнинг мукамаллашмаган ками кўст ва нуқсонлик ерларини тўлғузуб бориш нуктаи назаридан гоят муҳимдир. Шу сабабли ўлкашунослик фанининг бошқа бўлимлари ҳақида ҳам тегишли маслаҳатни ўртоқлашиш баробарида ушбу мақолада ёлғуз этнографик коллекция ҳақида тўхталамиз", дейди. Мақолада муаллим ёки масъул шахснинг мактаб жойлашган қишлоқ ёки шаҳарнинг географик ўрни, тарихи, аҳолисининг машғулотлари, уй-жой қурилиши, молхона, товухоналари тузилишигача, меҳнат қуроллари, нимадан ясалгани, кўнчилик, қуллолик, дурадгорлик турлари, меҳнат қуролларининг вазифаси, шакл-шамойили — барча-барчасини диққат билан ўрганиши, шунингдек, болалар, келин кийимларидан тортиб кафангача атрофлича ёзиб олиб тўплашлари лозимлигини тушунтиради.

"Этнография ашёларини тўплаш ҳақида материаллар програми" сарлавҳали кейинги мақоласида эса ўқувчиларга аҳолининг экин ва экин ишлари, таомномаси, ичимликлари, бола туғилганидан қариб ўлғунигача барча урф-одатлари, уйинчоқлари, уйинлари, кийимлари, чолғу созлари — ҳамма-ҳаммасини кузатиб ёзиб бориши ўқитирилади. 1914 йиллардаёқ ўтқир қарашлари билан чор полицияси назоратига олинган публицист Шокиржон Раҳимий фаолияти шу роҳлар замонида ҳам махсус органларнинг доимий кузатувидан бўлган. Шокиржон Раҳимий 1937 йил 5 август куни қамқоқ олинди. Бу пайтада у кўрлар мактабда ўқитувчи ва услубчи эди. Унинг анкетасига қўра, оиласи — онаси Шарофат ая (72 ёш), турмуш ўртоғи Солиҳа (21 ёш) ва қизи Лола (1,5 ёш)дан иборат бўлган. Шокиржон Раҳимий узоқ давом этган қийноқлардан сўнг 1937 йил 18 декабрь кундаги сўроқ баённомасида ўзига нисбатан бўхтонлар битилган қозғаларга имзо чекади. Айнан шу куннинг ўзида терговчининг "Ўзингизни айбли деб биласизми", деган саволига, "Асло йўқ. Мен қўйилган ҳеч бир айбловни бўйнимга олмайман", деб жавоб беради.

Шокиржон Раҳимий иши 1938 йил 5 октябрь куни соат 15:20 дан 15:45 гача машъум "учлик" томонидан қурилади. Ўзгиланича, Шокиржон Раҳимий сўнги сўз сифатида "Айбларимни тан олмайман, ҳаммаси тўхмат", деган. Аслида у 4 октябрь тунда отиб ташланган эди...

Шокиржон Раҳимий 1957 йил 1 август куни СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди ва бу хушхабар Тошкент шаҳри Октябрь тумани "Қизил уй" проезд 19-хонадонда яшаган қизи Лола Раҳимовага етказилади.

**Баҳром ИРЗАЕВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Жорий йилнинг 24-28 октябрь кунлари "Расом ва жамият. Келажак санъати концепциялари" IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига ўтказилади. Давлатимиз раҳбарининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонида Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш мақсадида замонавий санъат биенналесини ташкил этиш белгиланган.



БИЕННАЛЕ — ИМКОНИАТЛАР МАЙДОНИ

**Нилуфар ЖАББОРОВА, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти ректорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси**

— Мамлакатимизда 2001 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган Биенналедан кўзланган мақсад халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг замонавий санъатини оммалаштириш, замонавий тасвирий санъатнинг қизиқарли экспериментал шакллари аниқлашдан иборат, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти бўлим бошлиғи, санъатшунос Сўҳроб Қўрбонов. — Бу тадбир тасвирий санъат соҳасида маданий алмашинув, турли мамлакатларнинг замонавий ва миллий санъати билан танишиш, соҳанинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш учун очик майдондир. Биеннале доирасида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтиши, унда замонавий санъат соҳасида фаолият юритаётган хорижлик олимлар иштирок этиши кўзда тутилган.

Тошкент биенналесининг мақсади — бутун минтақанинг соҳага оид янги гоёлар ва истиқболли тенденцияларини қўллаб-қувватлаш. У нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида ҳам муҳим маданий тадбирдир.

Ўзбекистонда сўнги биеннале бундан тўрт йил аввал бўлиб ўтган эди. Мазкур халқаро тадбир коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилда ўтказилмади. Жорий йилда бўладиган биенналенинг аввалгиларидан фарқи шундаки, ижодкорлар тўрт йил давомида яратган энг сара




ишларини намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Аризаларни қабул қилиш пайтида маълум бўлдики, тўрт йил давомида истеъодли расомларимизнинг дунёга фахр ва ифтихор билан кўрсатишга аризли ҳақиқий санъат асарлари йангили қолган. Улар орасида бир-бирини тақрорламалардан ўзига хос мавзулар, янги услуб ва формалар бажарилди.

Биенналеда расомлар бир ёки бир неча асарини намойиш этиш имкониятига эга. Шунингдек, турли йўналишдаги ижодкорлар, талаба-ёшлар ҳам яққохон кўргазма ёки жамоавий лойиҳалари билан қатнашиши мумкин. Қувонарлиси, бугунги кунга қадар биенналега 22 та давлатдан 195 га яқин ижодкор иштирок этиш истагини билдирган.

IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига мавзуси "Расом ва жамият. Келажак санъати концепциялари". Яъни расомнинг замонавий жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида. Айнан шу мавзу инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлардаги тез ўзгаришлар ва уларнинг парадоксларини очиб бера олиши мумкин.

— Бугунги кунда ижодкорларимизнинг жамиятни, ўз шахсини замонавий муаммолар контекстида мустақил ва чуқур англаши

муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини танлашда ижодкор шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратилади, — дейди Сўҳроб Қўрбонов. — Бугунги кунда жамият ва расом ўртасидаги муносабатлар муаммоси аниқ ечимга эга эмас. Санъат тараққиётининг барча тарихий босқичларида қатор гоёвий-тарбиявий вазифаларни бажарган. Ҳозирги вақтда санъат йўналишлари расомдан ижтимоий тармоқда ҳам, ҳаётда ҳам доим фаол бўлишни талаб қилади. Машхурликка эришиш учун баъзи



расомлар ҳар қандай йўл билан ўз асарларига эътибор тортишга интилади. Таассуфки, ижтимоий тармоқларнинг аксарияти жуда кўп визуал маълумотлар билан тўлдирилган. Шу сабабли ҳам айрим ҳолларда сифатли ишни плагиатдан ажратиб бўлмайди.

Бугунги кунгача биенналега иштирок этиш хоҳишини билдириб, турли ёшдаги расомлар мурожаат қилди. Албатта, масъуллар бу аризалар ичидан ҳар томонлама талабга жавоб берадиган, дунё миқёсидаги тадбирда намойиш этишга аризли санъат асарларини саралаб, ажратиб олади.

Биенналенинг "Расом ва жамият. Келажак санъати концепциялари" номидан ҳам билиш мумкинки, мавзу доираси жуда кенг. Бу эса барча расомларга эркин ижод қилиш, ўз хис-туйғуларини ранглар орқали тўла намоеъ қилиш имконини беради. Шундай экан, биенналега тақдим этилган ишлар, биринчи навбатда, унинг мавзусига мос келиши керак. Бу ерда иккита асосий йўналиш белгиланган — рангасвир, графика, ҳайкалтарошлик ҳамда инсталляциялар, видео-фото, концептуал санъат.

Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига санъатимизни жаҳон жамоатчилигига намойиш этиш имкониятидир. Чунки барча расомлар ўз шахсий кўргазмалари билан хорижга чиқиш имконига эга эмас. Биеннале эса айнан маҳаллий ва хорижий расомлар ўртасида мулоқот майдонидир.

IX Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига доирасида мода намойишлари ва маҳорат дарсларини ҳам ташкиллаштириш кўзда тутилган. Тадбирлар Марказий кўргазмалар зали, Тасвирий санъат галереяси, Тошкент фотосуратлар уйи, Иқоу Хирояма халқаро маданият қарвонсаройида бўлиб ўтади. Биеннале доирасида ўтказиладиган халқаро анжуманда бутун дунёдан замонавий санъат соҳасида фаолият юритувчи олимлар иштирок этади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Тажриятта келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.
80471 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров
Мусаҳҳиб: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА яқини — 00:25 Топширилди — 00:50